



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОИ

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йилда
хукукий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги
ахбороти тұғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ўзбекистон
Республикаси адлия вазири Р.Давлетовнинг хукукий тарғибот
ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ахборотини эшитиб ва мұхокама
қилиб, Адлия вазирлиги томонидан 2017 йилда бу борада муайян
ишилар амалға оширилганини қайд этади.

Хусусан, қонун хужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияттнни
аҳолига тушунтириш мақсадида 17 миллионга яқин аҳолини қамраб
олган ҳолда 700 мингдан ортиқ хукукий тарғибот табиблари
үтказилған.

Бундан ташқари, ижтимоий тармоқлар, жумладан Facebook
тармоғида “Адлия билан мұлоқот”, “Халқ билан мұлоқот” гурухлари
ташкыл қилинған. “Telegram” ахборот дастурида “Хукукий ахборот”
канали ташкыл этилиб, мазкур канал орқали буғунғы кунгача 3000 дан
ортиқ хукукий ахборот тарқатылған.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа идоралар
үртасида қонун хужжатларини тезкор тарқатиши мақсадида химояланған
алоқа каналлари (VPN) орқали идоралараро электрон ҳамкорлик тизими
ишга туширилған. Натижада 2017 йилда қабул қилинған 2 164 та
норматив-хукукий хужжат электрон шаклда юборилған.

Шу билан birga, мазкур соҳада муайян камчиликлар,
ўз ечимиши кутаётған муаммолар ва түлиқ фойдаланилмаган
имкониятлар ҳам мавжуд.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мазкур
йўналишда мониторинг ва назоратни лозим даражада ўрнатмаган, давлат
органдарни ташкилотларнинг хукукий ахборотни тарқатиши ва ундан
фойдаланишини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини зарур даражада
мувофиқлаштирган.

Хукукий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишиларини
мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш ва унинг худудий
комиссиялари фаолияти ҳам қониқарли даражада муҳофизи маган

04-4102

| | |
|------------------|-----------------|
| Вазирлар Мажлиси | Учункий бўйичи |
| Код № 2-107 | 03.04.2018 йили |

Хукукий ахборотни тарқатиш мутасадди ташкилотлар томонидан асосан анъанавий усуллар (давра сұхбати, семинар ва бошқалар) орқали амалга оширилмоқда.

Вазирликлар, давлат құмиталари ва бошқа идораларда қабул қилинган норматив-хукукий хужжатларни уларинг таркибий ва худудий бўлинмаларига етказиш, тарғиб қилиш бўйича ишлар ҳам талаб даражасида ташкил этилмаган.

Бундан ташқари, вазирлик ва идоралар томонидан соҳа фаолиятига оид норматив-хукукий хужжатлар мазмуни ҳакида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжуманилари ташкил этиш амалиёти йўлга кўйилмаган.

Худудий комиссиялар хукукий тарғибот ва маърифат бўйича жойлардаги давлат органлари ҳамда ташкилотларининг фаолиятини ўрганмаган, мувофиқлаштирулмаган.

Худудий давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлиқда фаолият юритишларини таъминлаш учун старли чора-тадбирлар амалга оширилмаган.

Маҳаллий давлат хокимияти органларининг ҳам бу борадаги фаолияти лозим даражада йўлга кўйилмаган. Маҳаллий давлат хокимияти органлари қарорларини расман эълон қилиш амалиёти талаб даражасида ташкил этилмаган, мазкур хужжатлар уларнинг расмий веб-сайтларида ҳам эълон қилинмаган.

Бундай ҳолатлар кенг кўламли ислохотлар, қабул қилинаётганиң конун хужжатлари мазмун-моҳиятини ахоли эътиборига самарали етказилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Юкорида баён этилганларга ҳамда “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Давлетовнинг 2017 йилда хукукий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳакидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) бир ой муддатда:

хукукий ахборотни тарқатишни ва ундан фойдаланишини таъминлашга оид фаолиятини Хукукий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш мажлисида танқидий жиҳатдан қайтадан кўриб чиқсан ва уни тубдан такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқсан. Бунда ушбу карорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашта алоҳинда эътибор каратсин;

давлат органлари ва ташкилотларнинг хукуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини доимий равишда мувофикаштириш орқали уларнинг норматив-хукукий хужжатларни ижрочиларга етказиш, ахоли ўргасида тарғиб қилишга оид фаолиятини тубдан такомиллаштириш юзасидан таъсирчан чоралар кўрсинг;

“Манзилли хукуқий таргибот” лойиҳасини амалиётга кенг татбиқ этсин, бунда авваламбор аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари, кексалар, вояга етмаган шахсларнинг хукуклари ва мажбуриятларини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратсин;

манбаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллаларда “Хукуқий ахборот куни” лойиҳасини тўлиқ йўлга қўйсин, бунда анқ бир кунда олдиндан келишилган йўналиш бўйича малакали мутахассислар томонидан аҳолига хукукий тушунтиришлар берилишини таъминираб борсин;

давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолиятига услубий кўмак кўрсатиш орқали хукуқий ахборотни белгиланган тартибда тарқатиш, шу жумладан норматив-хукукий хужжатларни юбориш, эълон қилиш, ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиришига оид ишларини танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқсин ва улар самарадорлигини ошириш чораларини кўрсинг.

3. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

2018 йилнинг 1 майига қадар хукуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишини таъминлашга оид ўз фаолиятини ҳайъат мажлислиарида танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқсин ва уни тубдан такомиллаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин;

ўз фаолияти йўналишидан келиб чиқиб, Хукуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофикаштириш бўйича Идоралараро кенгашнинг ишчи органи билан келишилган ҳолда муаммоли масалалар бўйича ҳар ойда хукукий йўналишда буклет, лифлет, флайер ва плакатлар шаклида тарқатма материаллар тайёрлаш амалиётини йўлга қўйсин;

турли муаммоли масалалар, хусусан, миграция, моддий ёрдам, ер, уй-жой, коммунал масалалар, имтиёзлар, алимент, ишга жойлашиш, таълим олиш ва бошқа масалалар бўйича ижтимоий видеороликлар тайёрланишини доимий равишида таъминласин;

ўн беш кунлик муддатда Интернетдаги ижтимоий тармокларда хукуқий тарғиботни кучайтирсин, бунда авваламбор давлат органларининг шахсий саҳифаларини ва турли соҳаларга багишланган гурӯхларини (ҳайдовчилар, истеъмолчилар ва бошқалар) ташкил этсин;

тегишли фаолиятга оид қабул қилинган норматив-хукукий хужжатларни оммавий ахборот воситалари, шу жумладан босма

ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари учун марказий ва худудий матбуот анжуманларини ўтказиш механизmlарини тубдан такомиллаштирсиз;

қабул қилинган конун хужжатларини белгиланган муддатларда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб борсин;

ўн беш кунлик муддатда норматив-хукукий хужжатларниг мақсади, мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш бўйича тегишли чоратадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсиз;

хукукий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишини таъминлаш, шу жумладан ушбу баанднинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳакида ҳар чорак якунига кўра Хукукий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашнинг ишчи органига ахборот тақдим этиб борсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ўзлари ҳамда туман (шаҳар)лар бўлималари томонидан қабул қилинадиган норматив-хукукий тусдаги қарорларни худудий адлия органларига ўз вақтида тақдим этилишини таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига:

худудий адлия органлари раҳбарларининг тегишли худуддаги хукукий тарғибот ва маърифатнинг 2017 йилги ҳолати ҳақидаги ахборотларини 2018 йилнинг 1 майига қадар ўз сессияларида кўриб чиқиши;

депутатларнинг норматив-хукукий хужжатларни ижрочиларга етказиш ҳамда уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш юзасидан фаолиятини тубдан такомиллаштириш чораларини кўриш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Электрон оммавий-ахборот воситалари миллий ассоциациясига (Ф.Абдухоликов) хукукий ахборотни етказишида телекўрсатувларни сюжетли шаклда тайёрлаш, анимацион инфографика шаклида хукукий ахборот тарқатишга алоҳида эътибор каратиш тавсия этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари 2018 йилнинг 15 майига қадар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) 2018 йилнинг 1 июлига қадар ушбу Қарорнинг ижро этилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенатига ахборот тақдим этсин.

8. Ушбу Қарорнинг ижро этилишини назорат қилиш Сенатнинг Конунчилик ва суд-хукук масалалари қўмитаси (Б.Матмуратов) зиммасига юклатилсин.

9. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Рапси

Н. Йўлдошев

Тошкент шаҳри,
2018 йил 30 март,
№ СК-287-III.